



# MILLIY TIKLANISH

52 (321) ● 2014 йил 24 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган




Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий кадрларимизни қайта тиклаш, халқимизнинг асрий анъана ва орзу-умидларини рўйбга чиқариш йўлида самарали ишлар амалга оширилмоқда

**4** ПАРТИЯ ДАСТУРИ — АМАЛДА



Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 2-Нукус академик лицейида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда. Айти пайтда ушбу таълим масканида 629 нафар ўғил-қиз аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар, хорижий тиллар йўналиши бўйича сабоқ олаётир

**6** ЖАРАЁН



Жаҳон ҳамжамияти томонидан иқлим ўзгаришларининг олдини олиш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Бу борада ҳавога ис газини чиқариш ҳажмини камайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар эътиборга моликдир

**7** ХАЛҚАРО ҲАЁТ

○ Сайлов — 2014



○ Брифинг

## Сайлов натижалари

ЎзМТДПни янги марралар сари ундамоқда



Мамлакатимизда 2014 йил 21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтди. Мазкур муҳим сиёсий жараён фуқароларимизнинг фаоллиги ва уюшқоқлиги асосида, кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда сиёсий партиялар ҳам ўзларига яратилган имконият ва ташкилий-ҳуқуқий шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда фаол иштирок эттиди.

фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Жалолдин Сафоев бўлиб ўтган сайлов, энг аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг яққол намоиши бўлганлигини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

## Халқимиз ўз келажаги учун овоз берди

Сайловда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси муносиб иштирок этди

Сайлов ҳуқуқий демократик давлат куриш ва эркин фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим шартини, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришининг асосий шакли ҳисобланади. Бу 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловда яна бир бор яққол намоён бўлди. Сайлов куни фуқаролар ўзларининг сайлаш ва сайланишга оид конституциявий ҳуқуқини амалга ошириб, юксак ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини намоён қилди. Бу жараёнда фақат овоз бериш яширин, бошқа барча-барчаси очиқ-ошкора тарзда, транспарентлик руҳида ўтди. Халқимиз ўз келажаги учун овоз берди.

ни аниқ белгилаш, сиёсий етуқликка эришиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида маълум бир йўлни босиб ўтди. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти куриш учун сиёсий партияларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилиб, мустақилликнинг илк даврларидаёқ яққол партиявийликка буткул барҳам берилди. Бу Конституциямизнинг 12-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат маф-

кураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас" деб белгилаб қўйилди. Эркин демократик сайловларни ўтказиш бўйича халқаро сайлов стандартларига тўла мос келадиган ва фуқароларга ўз хоҳиш-иродасини эркин амалга ошириш имконини берадиган ҳуқуқий асослар яратилди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз жамиятини демократлаштиришда кўппартиявийлик тизимини қарор топтиришни энг мақбул йўл, деб билди.

**2-бет**

2014 йилнинг 22 декабрида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгашида сайлов-

нинг дастлабки натижалари юзасидан матбуот анжумани ўтказилди. Партия Марказий Кенгаши аъзолари, партия

**3-бет**

## Сўз — халқаро кузатувчиларга Ўзбекистон буюк келажак сари дадил бормоқда

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайлов жараёнини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган уч юздан зиёд кузатувчи бевосита кузатиб борди. УЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

**2-бет**

Истиқлол йилларида мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими қарор топиб, сиёсий партиялар ўз позицияси-



Рихси Иброҳимова, Ўзбекистон халқ артисти:

— Юртимизда кенг қўламли демократик ислохотлар доирасида аҳолининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Мен "Milliy tiklanish"ни танладим. Сиз-чи?

○ Матбуот анжумани

## Парламент сайлови Ўзбекистон халқининг ҳамжиҳатлигини намоён этди

Ўзбекистонда 2014 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтди.

Сайловнинг дастлабки натижаларига бағишлаб 22 декабрь куни ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов парламент сайлови мамлакатимизни янада демократлаштириш, янгилаш ва модернизация қилишда муҳим босқич бўлганини таъкидлади.

Матбуот анжуманида дастлабки маълумотларга кўра, сайловда 18 миллион 400 мингдан ортиқ сайловчи иштирок этгани ва бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 89 фоизини ташкил этиши маълум қилинди. 8311 нафар сайловчи эса мuddатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди.

**2-бет**

○ Репортаж

## Юксак маънавиятли халқни энгиб бўлмайди

ЎзМТДП дастурий мақсадлари "Юксак маънавият — энгилмас куч" эзгу гоёсини амалга оширишга қаратилганлиги сайловчилар ишончини қозонишда муҳим омил бўлди

**3-бет**



## "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





## Платформа тарғиботи

# Аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини ошириш

партиянинг ижтимоий соҳада олиб бораётган фаолиятининг бош мақсадидир

*Мамлакатимизда муҳим сиёсий воқеа - сайлов кўтаринки руҳда, демократик талабларга тўла мос равишда ўтказилди. Бунинг хорижий давлатлардан келган мутахассис ва кузатувчилар ҳам эътиборга олинган. Айниқса, сайловчиларнинг сиёсий жараёндардаги аҳоли фаол иштироки фуқароларимизда мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғусининг юксалиб бораётганидан далолатдир. Шунинг учун ҳам бу йилги сайловда иштирок этган сиёсий партиялар ҳар бир сайловчи овози учун кескин кураш олиб борди.*

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳам сайловда муносиб иштироки бевосита сайловчилар ишончи билан боғлиқ. Айниқса, партиянинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалардаги вазифалари сайловчилар эътиборини қозонди. Шунингдек, ЎзМТДПнинг ижтимоий соҳада ўртага ташлаган тақлифлари ҳам партиянинг бугунги ютуқларида муҳим омили бўлиб хизмат қилди, десак муболаға бўлмайди. Инчунун, партия ижтимоий соҳада аҳолининг турмуш сифатини оширишни ўзининг энг долзарб вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Мазкур таъминоти партиянинг сайловдаги Платформасида ҳам ўз ифодасини топади. Ривожланишнинг устувор соҳаси сифатида уй-жой қурилиши ва инфратузилма қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фойдаларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратган ҳолда улар учун уй-жой қурилиши Давлат дастурининг бажарилишини бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилишига кўмаклашиш партиянинг ижтимоий соҳадаги вазифаларидан бири эди белгиланган. Партиянинг бу борада олиб бораётган саъй-ҳаракатлари мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга гам-ҳурликни ошириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ишларга кўмаклашишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоиз, 2009-2012 йиллар давомида мамлакатимизда аҳоли сармоси ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан ажратилган имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобига қишлоқ ҳудудларида 23 500 дан ортиқ замонавий ва кўркам турар-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йил охиригача мамлакатимиз бўйича 11 мингта, 2015 йилда эса яна 12 мингдан зиёд ана шундай намунавий уй-жой барпо этиш мўлжалланмоқда. Давлатимиз томонидан ёш оилаларга кўрсатилаётган бундай гам-ҳурлик замирида халқимизга хос бўлган меҳр, хайру-саховат, инсонийлик, фарзандларга елка тутиш, бағрикенглик каби тушунча ҳамда қадриятларимиз мужассам. Ана шундай хайрли ишлар ривожига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам муносиб иштирок этишга интиляётгани мазкур тизимдаги ишларнинг янада жадаллашувига ҳисса қўшиши, шубҳасиз. Партиянинг ижтимоий соҳадаги муҳим вазифаларидан яна бири озик-овқат хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловдаги Платформасида шу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш янада кучайтириш, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш партияимизнинг кейинги беш йилликдаги устувор вазифаларидан саналади. ЎзМТДПнинг мазкур соҳадаги сиёсати мамлакатимиз аҳолиси дастурларининг ўқини бўлишига, юртимиз бозорларини сифатли истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшади.

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, барча соҳаларда кенг қўламли изчил ислохотларни амалга ошириш бўйича тадбирчи тараққиёт йўли танланди. Бунда аҳолини тўғри овқатланиш меъёрларига мос, юқори сифатли ва хавфсиз озик-овқат маҳ-

сулотлари билан таъминлаш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳасининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Дастлабки даврда қўлга киритилган муваффақиятларимиздан бири галла мустақиллигига эришганимиздир. Ўтган 23 йил давомида галла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 8 миллион 50 минг тоннага етди ва Ўзбекистон галла экспорт қилаётган мамлакатлар қаторидан жой эгаллади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортдан тушаётган даромад ҳам йилдан-йилга кўпайиб бораётди. Бугунги кунда мамлакатимиз дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқда. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғок, қарам ва бошқа кўпгадир мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда ўнта етакчи давлат қаторига кирди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми ўсиши шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқараётган корхоналарни модернизация қилиш, сўнгги турдаги техника-технологиялар билан таъминлаш, хорижий ҳамкорлар билан қўшма корхоналар очишни тақозо этмоқда. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида бугунги кунгача 50 мамлакатдан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда, 400 га яқин корхона ташкил этилди. Бу корхоналар янги маҳсулот етиштиришдан тортиб маҳаллий хомашёни қайта ишлаш асосида тайёр озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга бўлган йўналишларда фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалари келажақда бундай корхоналар сонининг янада ошишига, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хизмат қилади.

Партиянинг сайловдаги Платформасида аҳоли бандлигини таъминлашга ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ЎзМТДП кейинги беш йилликда аҳолининг электрорлик қисми бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш эвазига уларни иш билан таъминлашни ўзининг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Партиянинг мазкур сиёсати нафақат қўшимча иш ўринларини яратаяди, балки ёшлар онгиди халқ хунармандчилиги ва касаначиликнинг янги имкониятлари ҳақида муайян тасаввур ҳамда кўникма пайдо қилади.

Таъкидлаш керакки, айни кунда юртимизда меҳнат қилувчи қарийб 12 миллион аҳолининг 1 миллион 930 минг нафардан зиёди оилавий тадбиркорлик соҳасида банд. Хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, sanoat ва қурилиш, хунармандчилик, касаначилик йўналишларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган имкониятлар тўғрисида кўрсаткич тобора ортиб бормоқда. Биргина 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида яратилган 970 минг иш ўринидан 210 мингдан зиёди айнан касаначиликни кенгайтириш ҳисобига тўғри келгани фикримизнинг яққол далилидир. Жорий йилда ҳам уй меҳнатининг, авваламбор, меҳнат шартномаларига асосланган касаначиликни ривожлантириш орқали 221 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилаётгани соҳа ривожига эътибор юксалишини кўрсатади.

Хусусий тадбиркорлик фаолияти-

ни ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликнинг ўрни беқийс. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси халқ хунармандчилиги йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Партия оилавий корхоналар ва хунармандчиликни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, оилалар турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим вазисоти деб билади. Чунки, кичик корхоналар дунё саноатида ҳам етакчи ўрин тутади. Масалан, Европа мамлакатларида 1995 йили касаначилар сони тўрт миллиондан ташкил этган бўлса, 2010 йилда юз миллионга етди. Ривожланган мамлакатлар таърибига назар солсак, кичик корхоналар ичида оилавий корхоналар салмоқли ўринни эгаллайди. Масалан, АҚШ, Канада, Италияда кичик корхоналарнинг 95 фоизи оилавий корхона ҳисобланса, бу кўрсаткич Швеция, Швейцарияда 90 фоиз, Англияда 76 фоиз, Жанубий Корея ва Австралияда 75 фоизни ташкил этади. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, дунёдаги энг йirik корхоналарнинг ярмидан кўпроги оилавий корхоналар негизидида ташкил этилган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси жаҳон таърибасидаги ана шундай ютуқларни ўзлаштириш, касаначилик асосида ташкил этилган оилавий корхоналарни ҳар томонлама ривожлантиришни ўзининг муҳим мақсад ва вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Партиянинг ижтимоий йўналишидаги вазифалари шу билангина чекланмайди, албатта. Партия Платформасида йўловчиларга, жумладан, мамлакатимизнинг олис ва етиб бориш қийин бўлган жойлари аҳолисига транспорт хизмати тизимини яхшилаш, касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун имтиёзли транспорт қатновини таъминлаш, маданият муассасалари, "Баркамол авлод" болалар марказлари, мусиқа ва санъат мактаблари, олис ва чекка қишлоқ жойларини ривожлантириш учун бюджетдан маблағ ажратилиши кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, партия тўлов-контракт асосида олий таълимга эга бўлиш имкониятларини кенгайтириш, таълим жараёнига замонавий, истиқболли илмфан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш орқали юқори билим ва малакали жамиятни шакллантиришга кўмаклашишни ҳам ўзининг асосий вазифаларидан, деб билади. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи вазифаларини кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, зғуурф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш ҳамда оилаларда соғлом муҳитни шакллантиришда маҳалланинг иш самарадорлигини ошириш, шунингдек, маҳаллаларнинг ёшларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш каби йўналишларга ҳам Платформадан кенг ўрин ажратилган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловдаги Платформаси бошқа соҳаларда ҳам электрорат ва аҳолининг манфаатлари ҳамда уларнинг орзу-истаклари рўёбига хизмат қилади. Тарихий ва миллий анъаналарга уйғун ҳолда тараққиётнинг янги йўналишларини тарғиб этади. Мазкур тамойил, айниқса, глобаллашув шароитида яшаётган ҳар бир жамият учун гоятда муҳим. Чунки фуқаролик жамиятини ривожлантиришда халқнинг миллий қадриятлари асосий мезон ва мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси миллий тараққиёт йўли орқали ва босқичма-босқич жамиятни модернизация қилишни, "Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари" госясини қўллаб-қувватлайди. Партиянинг ана шу позицияси 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайловдаги муваффақиятини таъминлади.

**Хасан САЛОМОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

## Брифинг

(Давоми.  
Бошланиши 1-бетда)

— Миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, йилдан-йилга фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ҳамда юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалиб бораётгани бу йилги сайлов жараёнининг ҳар жиҳатдан юқори савияда ўтишига замин бўлди. Бу сафарги сайловнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, ҳар бир сайловчи овози учун кураш кескин кечди. Қизгин кураш руҳида бошланган сайлов кампанияси давомида ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этди. Сайловдаги ташвиқоти даврида қонунларда мустаҳкамланган барча имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик. Барча даражадаги номзодларимиз томонидан сайловчилар билан 10 мингдан зиёд учрашувлар ташкил этилди. Мазкур учрашувларда партияимиз сайловдаги Платформаси сайловчилар томонидан кенг қўллаб-қувватланди, партияимизга хайрихоҳлик билдирилди.

Марказий сайлов комиссияси эълон қилган сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, партияимиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 28 нафар депутат сайланди. Жамоатчилигимиз, электроратимиз ва партия фаоллари қарата шуни айтишимиз мумкинки, бу кўрсаткич бизни қониқтиради ва бу натижа партияимиз салоҳиятига мос эмас. Биз бундан-да юқори натижаларни кутган эдик. Шу боис

## Репортаж

# Юксак маънавиятли халқни энгиб бўлмайди

ЎзМТДП дастурий мақсадлари "Юксак маънавият — энгилмас куч" эзгу госясини амалга оширишга қаратилганлиги сайловчилар ишончини қозонишда муҳим омили бўлди



21 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда иштирок этган юртдошларимиз сайловлар мамлакатимиз тараққиёти, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ва қонуни устуворлигини таъминлаш каби эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилишини яна бир бор яққол намоён этдилар. Мазкур муҳим ижтимоий-сиёсий жараён мамлакатимизнинг барча ҳудудларига очик, ошқора, демократик тамойиллар асосида ўтди. Мухбирларимиз жойларда бўлиб, муҳим сиёсий жараён ҳақида хабар бердилар.

**ХОРАЗМ.** Мамлакатимизнинг барча ҳудудиди бўлгани каби Урганч туманидаги 54-сайлов участкасида ҳам сайлов демократик тамойиллар асосида ўтди. Сайлов участкаси талаб даражасида жиҳозланиб, номзодлар тўғрисида маълумотлар, сиёсий партияларнинг устас ва сайловдаги дастурлари билан таъминланди. Дам олиш куни бўлса-да, эрта тонгдан сайлов участкаси сайловчилар билан гавжум бўлди. Бу, шубҳасиз, юртимиз фуқароларининг сиёсий фаоллиги, ислохотларга нисбатан дахлдорлиги ошиб бораётганидан далолат.

— Бу йилги сайлов мен каби ҳар бир сайловчида катта таассурот қолдирди, — дейди меҳнат факриеси Шарофат Ҳожиёва. — Сайлов жараёнида барча номзодларнинг сайловга пухта тайёргарлик кўргани сезилиб турди. Сайловдаги ташвиқотлари, депутатликка номзодлар билан учрашувлар юқори савияда ташкил этилди. Барча партиянинг сайловдаги Платформаси билан таъминлаш ҳамда маънавий-ахлоқий таъминотларни кўриб олиш учун муносиб деб топган номзод учун овоз берди. Уларнинг 48 минг нафарини сайловда илк бор иштирок этган ёшлар ташкил қилди. Жумладан, Ёшлар шахридаги 12-Лочин сайлов округининг 15-сайлов участкасида ўтказилган сайлов ҳам уюшқоқлик билан, сайлов қонунчилиги талаблари асосида ташкил этилди. Участка ҳудудида 3011 нафар сайловчи рўйхатга олинган. Улар сайловда фаол иштирок этиб, ўз фуқаролик позициясини эркин ифода этди. Сайлов участкасида тиббиёт, оналар ва болалар учун махсус хоналар ажратилган бўлиб, бу ердagi қулайликлар сайловчиларда қониқши ва мамнулик ҳиссини уйғотди. Шу кун сайлов участкасида кела олмайдиغان сайловчиларнинг уйларида бориш учун комиссия

# Сайлов натижалари

ЎзМТДПни янги марралар сари ундамоқда

2015 йил 4 январь куни бўлиб ўтadиган тақрорий овоз бериш жараёнида депутатларимиз сонини кўпайтириш учун астойдил курашамиз. Айниқса, халқимиз томонидан қўллаб-қувватланган "Юксак маънавият — энгилмас куч" госясини амалга ошириш янада кучайтиради. Партияимиз келгуси фаолиятини давомида ўзининг госявий-мафкуравий ўзига хослигини жамоатчиликка етказишда изчил фаолият юритиши, ЎзМТДП дастури ва номзодларига ишониб овоз берган сайловчилар ишончини қозониш учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар қилиш лозим бўлади.

**Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,**  
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:**

— Мамлакатимизда бўлиб ўтган сайлов сайловчиларнинг фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ошганлигини, фуқаролик жамияти институтлари ва сиёсий партияларнинг роли кучайганини яна бир қарра намоён этди. Шунингдек, сайлов ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борисида танланган ўзига хос ва мос йўлимизнинг нақадар тўғри эканини исботлади. Партияимиздан сайланган барча

даражадаги депутатларнинг олдида турган навбатдаги энг муҳим вазифа сайловчилар ишончини оқлаш, ЎзМТДП сайловдаги Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлашдан иборатдир. Жумладан, сайловдаги Платформасида белгиланган барқарор миллий ривожланиш таъминлаш, маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, ёшларни "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш сингари муҳим вазифаларни амалга оширишда барча депутатларимиз ташаббус кўрсатади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларимиз партия-мақсадларининг қонунларда акс этишида фаоллик кўрсатса, маҳаллий Кенгашлардаги вакилларимиз депутатлик сўрови, депутатлик назорати ҳамда сессияларга ташаббус-масалалар киритиш орқали мақсад-вазифаларимизнинг жойларда ижросини таъминлашга, электроратимиз манфаатларини химоя қилишга ҳисса қўшади.

**Муҳтарам КОМИЛОВА,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

аъзолари белгиланиб, махсус транспорт ажратилди.

**СУРХОНДАРЁ.** Сайловда чиқилган орқали сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар нафақат ўз дастурлари мазмун-моҳиятини тарғиб этади, балки бошқа партиялар дастурларидан устунликлари, афзалликларини исботлашга ҳаракат қилди. Сиёсий рақибларнинг гося ва қаршларига танқидий назар ташланди. Натижада 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда сайловчилар ўзлари учун мақбул йўлни танлаш, муносиб деб топган сиёсий партия вакилига овоз бериш имкониятига эга бўлдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов Сурхондарё вилоятида ҳам катта тайёргарлик ва уюшқоқлик билан ўтказилди. Вилоятда Олий Мажлис қонунчилик палатасига 9 та сайлов округи ташкил этилди. Ҳар бир сайлов округида ЎзМТДПдан ҳам муносиб номзодлар кўрсатилди.

Сўнгги йилларда сайлов қонунчилигига киритилган қўшимча ва ўзгаришлар сайловнинг очик, ошқора ва демократик тамойилларга мос тарзда ўтишига имкон яратди. Қолаверса, бу йилги сайлов чиндан ҳам сайловчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий таъминоти кенгайтирилди, мамлакат тараққиётига дахлдорлик туйғуси сезиларли ошганини исботлади. Сайловчилар эрта тонгдан сайлов участкаларида ҳозир бўлишди. "Аппомиш" сайлов округига қарашли 247-сайлов участкасида ҳам сайловга юқори даражада ҳозирлик қилинди. Хусусан, сайлов участкасида сайловчилар учун зарур шароитлар яратилган. Овоз бериш жараёнининг демократик талаблар асосида ўтиши таъминланди. Конституцияимиз ва сайлов қонунчилигида белгиланганидек, сайлов кунига қадар ўн сақиз ёшга тулган ҳар бир фуқаро сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Мазкур участкага йиғилтирилган, бирок имконияти чекланганлиги ёки бетоблиги сабаб сайлов участкасига келиш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар учун махсус кўчма сайлов қўтилари ташкил этилиб, уларнинг уйига бориб овоз беришлари учун зарур шароит яратилди. Бу эса юртимизда ҳар бир фуқаронинг хоҳиш-иродаси, конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Сайлов участкасида партиянинг кузатувчи, ваколатли вакилларининг иштироки сайловнинг очик, ошқора ўтказилишини таъминлаш, овоз бериш жараёнида ҳамда сайлов участкаларида овоз бериш натижаларини ҳисоблашда партияларнинг манфаатларини химоя қилишда муҳим омили бўлди.

**Алишер РАҲМОН,**  
**Ўралой ТУРДИЕВА,**  
**Шаҳзода ҲАФҶОБОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Халқ амалий санъати



У.А. олган сурат.

Миллий хунармандчиликни ривожлантириш

ЎЗМТДПнинг устувор вазифаларидан

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, халқимизнинг асрий анъана ва орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида мазкур соҳа жадал ривожланмоқда.

Мандчилигимиз маҳсулотларига хорижликларнинг қизиқиши юқори, дейди Ўзбекистон халқ устаси, Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактаби давомчиси Сирожддин Раҳматуллаев.

Мазкур жараёнларда халқимизнинг бой ва бетақор маданий, маънавий, миллий анъаналарини асраб-авайлашни мақсад қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам муносиб иштирок этишга ҳаракат қилмоқда.

Юртимизнинг хунармандчилик салоҳияти йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Ҳар йили Бухоро шаҳрида "Ипак ва зирворлар" халқаро фестивали ўтказилмоқда.

аёллар ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларни тижорат банклари хизмат турлари, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти билан мунтазам таништириб бориш имконини бермоқда.

Хозирги кунга қадар мазкур тадбир республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилиб, уларда жами 500 нафарга яқин хунармандга 8,5 миллиард сўмдан ортқ имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Хунармандларнинг имкониятларини янада кенгайтириш борасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутатлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Маълумки, миллий хунармандчилик халқимизнинг ўзига хошлиги, бой ва бетақор маданиятини ифода қилади. Бу тушунча миллий тикланиш замирида мужассамлиги боис, ўзаро бир-бирини тақозо этиб, бардавомликда ривожланиши талаб этади.

уюшмаси ҳамда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳар йили миллий хунармандчилик кўргазмалари, форумлар ўтказиб келинаётир. "Миллий хунармандчилигимиз - миллий қадриятларимиз бардавонлиги кафолати", "Миллий хунармандчиликни ривожлантириш ва асраб-авайлашда оиланинг роли" мавзуларидаги мазкур тадбирлар кўплаб истеъдод эгаларини кашф этиб, уларнинг хунармандчилик борасидаги фаолиятларини рағбатлантиришга хизмат қилиб келмоқда.

Республикамизнинг барча вилоят ва туманларида Наврўз, истиқлол шодиёнлари каби бир қатор тадбирлар доирасида халқ амалий санъати намуналари, миллий либослар кўргазмаларини ташкил этиш анъана тусини олди.

Миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъатини тиклаш, асраб-авайлаш, бойитиш ва ривожлантиришга қўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифаларидан биридир.

Шунингдек, сайловолди Платформада Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини халқро майдонда кенг тарғиб этиш, уларни дунё жамоатчилиги диққат-эътиборига етказишга қўмаклашиш партиянинг дастурий мақсад-вазифаси сифатида белгиланди.

Умидда УЗОҚОВА, "Millyi tiklanish" муҳбири

Қонунга шарҳ

Электрон одил судлов

янги давр талаби

Судлар фаолиятида электрон коммуникация технологияларидан фойдаланиш барча суд жараёнининг очиқлиги, ошқоралиги ҳамда шаффофлигини таъминлайди, ишни тайёрлаш ва эшитишда суд ҳужжатларини тезкорлик билан тўплаш ва расмийлаштиришга ёрдам беради, суд ишларини кўриб чиқиш мuddатларини қисқартиради.

Президентимизнинг "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосан 2013 йилнинг 1 январидан ҳужалик судларида илк марта даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон шаклда қабул қилиш тартиби белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳужалик судларидан яна бир янгилик видеоконференцалоқа ташкил этиш технологияларининг татбиқи этилишидир. Видеоконференцалоқадан фойдаланиш турли хил тадбирларни тезкорлик билан ўтказиш, хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни тежаш имконини беради.

Электрон судлов, энг аввало, электрон суд иш юритишнинг амалга оширишни тақозо этади. Бундай электрон иш юритишнинг энг муҳим ютуғи вақт ва маблағни тежайди.

Хорижий ривожланган давлатларда ҳам электрон судловга оид суд тизими қўлланилади. Хусусан, Ирландияда ҳуқуқ бўйича электрон раҳбарлик (Electronic Benchbook) тизими амал қилиб, мунтазам тақомиллаштирилмоқда.

Суд иши юритишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш хорижий давлатларда ҳам ҳали шаклланиш ва ривожланиш босқичида турибди.

Республикасининг Ҳужалик процессуал кодекси (ХПК)га бу борада киритилган ўзгариш ва қўшимчалар миллий электрон суд ишларини юритишнинг дебочаси сифатида хизмат қилмоқда.

ХПКнинг 148-моддасига мувофиқ, ҳужалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинганда беш кун ичида ишда иштирок этувчи шахсларга буюртма хат, тилхат ёки электрон манзиллари мавжуд бўлган тақдирда ахборот орқали электрон шаклда юборилиши мумкин.

2014 йил 14 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун ҳужжалик электрон суд ишларини юритишнинг янги процессуал қонунчилик асосларини яратди.

ХПКнинг ишни кўришни кейинга қолдиришга бағишланган 131-моддасига киритилган янгилик моҳиятига кўра: "видеоконференцалоқа режимидagi суд мажлисини ўтказиш вақтида видеоконференцалоқа ўрнатилиши имкони бўлмаган тақдирда" ҳам ҳужалик суди ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.

ХПКга киритилган янгиликлар бевосита апелляция шикоятини бериш ҳуқуқига ҳам боғлиқдир. Агар илгари бундай шикоятни фақат ишда иштирок этувчи шахслар бериш ҳуқуқига эга бўлган бўлса, эндиликда апелляция шикоятини бериш ҳуқуқи субъектларни доираси янада кенгайтирилди.

Ҳужалик судига оид бундай янгиликлар одил судлов сифатини оширишда муҳим процессуал ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформада миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Муҳтасар айтганда, "Электрон одил судлов" миллий ҳуқуқий тизими суд ҳокимиятининг роли ва таъсирчанлигини оширади, фуқаро ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқилган манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.


Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ, юридик фанлари доктори, профессор

Хунармандларимиз

## Лойдан мўъжиза яратиб...

сулола ясаган маҳсулотлар дунёнинг эллиқдан ортиқ мамлакатида намойиш қилинмоқда

**Хунармандчилик миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми. Ота-боболаримиздан мерос ушбу фаолият тури мустақиллик туфайли тикланди. Соҳа кишилари қадр топди. Республика "Хунарманд" уюшмаси, жойларда эса унинг бўлимлари ташкил этилди. Бир пайтлар уста ва хунармандлар ўзлари яратган буюмларни сотиш, намойиш этишда турли тўсиқларга учраган бўлса, бугун ҳар бир туман ва шаҳарда хунармандлар марказлари, бозорлар ва савдо мажмуаларида махсус давра расталари ташкил этилган.**



Уста олаган сурат.

Хоразм мактабига хос сопол буюмлар зангори, мовий, фируза ранглардаги тасвирий безакларга бой. Самарқанд усталарининг ижод намуналарида ёрқин ранглар, ахлат нақшлар кўзга ташланса, Тошкент кулоччилик мактаби тўқ тусдаги бўртма чизгилари билан ажралиб туради. Хунармандчиликнинг кулоччилик йўналишини пухта ўрганиб, аждодлар ишини давом эттираётганлар сафи тобора кенгаймоқда. Улардан бири — андижонлик Мирзабахром Абдуваҳҳобов миллий хунармандчилик ривожига муносиб хисса қўшиб келаётган моҳир усталардан. У жорий йилда Ўзбекистон Республикасидаги куллоллар сулолалари бадий кўргазмасида ўзининг ноёб хунармандлик маҳсулотлари билан иштирок этиб, муваффақият қозонди.

— Болалигимдан кулоччиликка, наққошликка қизиқаман, — дейди Мирзабахром ака. — Бу хунарни отамдан ўрганганман. Андижонлик куллоллар сулоласининг ўн тўртинчи вақилиман. Мендан кейинги вақиллар ҳам аллақачон устоз макомига эришган. Ҳозирги кунда нафақат Андижон, балки Навоий ва Қашқадарё вилоятида ҳам кулоччилик маҳсулотларини тайёрлашмоқда.

Мустикаллик хунармандга кенг имконият, ҳақиқий маънода омад олиб келди. 1995 йилда уста Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги му-

носабати билан ўтказилган кўргазмада иштирок этди. Фахрли биринчи ўринни эгаллаган М.Абдуваҳҳобовга "халқаро тоифадаги уста" сертификати топширилди. Худди ўша йили кулол ЮНЕСКО қошида ташкил этилган халқ аъёнанивий амалий санъати тарғибот маркази аъзолиги қабул қилинди. Унда ўз хунарини янада кенг тарғиб қилиш, ёшларга ўргатиш имконияти пайдо бўлди. Уста томонидан ўқув устахонаси ташкил қилиниб, дастгоҳлар сотиб олинди. Айрим мосламаларни ўз кўли билан ясади. Тез орада ён-атрофига иштиёқманд шогирдларни тўплади.

— Жияним Шокиржон Исмоиловнинг Навоий вилоятида яшаб, илмий иш олиб бораётгани сулолаимиз хунарининг Андижондан ташқарида ҳам ёйилишига сабаб бўлди, — дейди уста. — Унинг илтимосига кўра, вилоятнинг Навбахор туманида бўш ётган ерни устахонага айлантириш, дастгоҳлар ўрнатди. Шогирдлар етиштириб, айна пайтда кулоччилик маҳсулотлари тайёрлай бошлади. 2002 йилда Қашқадарё вилоятдан бир корхона раҳбари Андижонга юмуш билан келиб қолди. Маҳсулотларимизни кўриб, мен билан учрашиш истагини билдирди. Анча сўхбатлашган, у киши Қарши шаҳрида ҳам ана шундай кулоччилик чеци очини ташкил қилди. У ерда у ой ичиде цех ташкил қилдик. Қар-

шида хунаримизга қизиқувчилар кўп экан, биргаликда ишлаш истагини билдирди.

Шунча ёшга кириб бирорта ҳам партияга аъзо бўлмаганман. Аммо "Миллий тикланиш" партиясининг биз хунармандларни қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишларини кўриб, мақсад-вазифалари билан танишиб, унга аъзо бўлишга қарор қилдим. Ахир ота-боболаримизнинг аъёнаниларини давом эттириш, уларга муносиб издош бўлиш менинг ҳам азалий ордун-да.

Ўзига хос мактаб яратган уста Мирзабахром Абдуваҳҳобовнинг турфа ўлчам, шакл, табиий ранглар воситасида сирланган, нурлари жилдор товоқ, коса, кўза, хум, кошнинг ишт ва бошқа уй-рўзгор буюмлари наиники юртимиз, балки дунёнинг эллиқдан ортиқ мамлакатларида яшовчи инсонларни лол қолдириб келмоқда. Уста ясаган буюмлар халқаро савдо кўргазмаларида муваффақият билан иштирок этади.

Ким касбини эъзозласа, обрў-эътибори ошади. Бу ҳар қандай устозга чексиз гурур бағишлайди. Халқимизнинг бетакор хунармандчилик намуналари маҳоратли ва зукко ёшлар томонидан муносиб давом эттирилмоқда. Мирзабахром Абдуваҳҳобовнинг ўғли Улуғбек пойтахтдаги Миллий дизайн ва расмий институтининг кулоччилик факультетида талабаларга сабоқ беради. Иккинчи ўғли Азизбек ҳам ота изидан бориб, айна пайтда Бухорода ишлаяпти. Сулолага мансуб ана ўн олти нафар кулол коллеж ўқувчилари, маҳаллалардаги ёшларга аъёнанивий кулоччилик сирларини ўргатишяпти. Бу болардан фарзандларга, фарзандлардан набиараларга мерос бўлиб келаётган, ота-боболаримиз ардоқлаган бебаҳо хунармандчилик истиқлол йилларида тобора ривожланаётганини кўрсатади.

**Замира РҶЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

Миллий мерос

*Истиқлол йилларида юртимизда халқимизга хос асл қадриятлар, урф-одат ва аъёнаниларимиз қайта тикланди, халқимизнинг асрлар силсиласига дош берган осори-атиқалари, зиёратгоҳ, муқаддас қадамжоларига бўлган эътибор янада кучайди. Қолаверса, қадимий, моддий ва маънавий бойликларни пухта ўрганиш, улар ҳақида кенг ва мукамал билимга эга бўлиш имконияти туғилди.*

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига таъкидлаганидек: "Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва аъёнанилари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилади". Дарҳақиқат, бизнинг обод ва озод диёримизда жажон цивилизацияси бешиқларидан. Бу муаззам замин ўзининг кўхна тарихи ва ёрқин келажагига эга. Диёримизда яшаб ўтган буюк алломалар, олимлар уломуларнинг ҳаётини ўрганиш, муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар ҳақида мукамал билимга эга бўлиш, уларнинг барпо этилиши, қурилиш архитектураси билан яқиндан танишиш, аждодлар меросига муносиб бўлиш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Буюк ипак йўлида жойлашган, қадим Самарқанд Бухорони боғлаб турувчи Навоий вилоятида ҳам жуда кўп қадимий обида ва қадамжолар мавжуд. Шулардан бири Қизилтепа туманининг Ванғози қишлоғида жойлашган Тошмасжид меъморий обидасининг қайта қурилишида Хожа Саъд хатм хисса қўшган, деган фикрга қўшилиш мумкин.

Ўзига хос меъморий қўриғига эга тошмасжид тарихий ёдгорлигининг Ўрта Осиё меъморчилигидаги аҳамияти беқиёс. Ўзининг манзарали ҳажмий композицияси, тақомиллашган тарх ва конструкциялари билан бошқа меъморий обидалардан ажралиб туради. Мажмуа баланд супа устига қурилган бўлиб, марказий қисми йирик пештоқ ва мовий гумбаздан иборат. Масжиднинг умумий биносига 2 та катта ва 16 та бир хил ҳажмдаги майда гумбаз билан ёпилган ягона хона бор. Бинонинг ўрта қисмида маҳабатли пештоқ, айлана 4 метр чамасидаги гумбази даҳлиз, марказий қисмида эса асос айланаси 5 метрдан иборат йирик мовий гумбаз жойлашган. Мажмуанинг зали пойгумбаздаги туйнуқлар орқали ёритилган. Туйнуқлар ганж панжаралар билан безалган.

Тошмасжид тарихий мажмуасининг қачон ва ким томонидан қурилганлиги ҳақида турли қарашлар мавжуд. Айрим манбаларда обида XVI асрда



## Ванғози меъморий мажмуаси

аждодларнинг авлодларга мероси

Абдуллахон II томонидан барпо этилган дейилса, баъзи бир тадқиқотчилар иншоот 1583-1586 йилларда қурилганини тахмин қилишади. Тошмасжид ва унинг ёнида барпо этилган миноранинг қурилиш тарихи ҳақидаги яна бир қимматли маълумот Бадриддин Кашмирийнинг "Ривзат ар-Ривзон ва ҳақиқат ал-ғилмон" асарида қайд этилган. Исломунонос олим Бахтиёр Бобоҷон томонидан таржима қилинган мазкур асарда шундай жумла бор: "Ванғози қишлоғида синчли масжид бўлган ва у вақт ўтиши билан нураб тушган. Хожа Саъд Жўйборий эса ушбу масжидни буздириб, унинг ўрнига пишиқ гиштдан янги масжид ва унинг ёнида баланд минора қурдирган".

Тарихий манбаларда қайд этилишича, ўз даврининг машҳур инсонлари томонидан Ванғозида хайрия ва тижорат маблағлари вазиға кўплаб иншоотлар барпо этилган. Шу фикрларга асосланиб, тошмасжид меъморий обидасининг қайта қурилишида Хожа Саъд хатм хисса қўшган, деган фикрга қўшилиш мумкин.

Ўзига хос меъморий қўриғига эга тошмасжид тарихий ёдгорлигининг Ўрта Осиё меъморчилигидаги аҳамияти беқиёс. Ўзининг манзарали ҳажмий композицияси, тақомиллашган тарх ва конструкциялари билан бошқа меъморий обидалардан ажралиб туради. Мажмуа баланд супа устига қурилган бўлиб, марказий қисми йирик пештоқ ва мовий гумбаздан иборат. Масжиднинг умумий биносига 2 та катта ва 16 та бир хил ҳажмдаги майда гумбаз билан ёпилган ягона хона бор. Бинонинг ўрта қисмида маҳабатли пештоқ, айлана 4 метр чамасидаги гумбази даҳлиз, марказий қисмида эса асос айланаси 5 метрдан иборат йирик мовий гумбаз жойлашган. Мажмуанинг зали пойгумбаздаги туйнуқлар орқали ёритилган. Туйнуқлар ганж панжаралар билан безалган.

Мухтасар айтганда, ўзлигини англаган ҳар бир инсон ўтмиши, бугуни ва келажагига масъул бўлиши, ўзи яшаётган маскан тарихини ўқиё-ўрганиши, ундаги муқаддас қадамжолар, осори-атиқаларини асраб-авайлаб келажак авлодларга бус-бутун етказишга ҳаракат қилмоғи лозим.

**Ўралой ТҶРДИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

Ибрat

## Илм-фан фидойиси

**Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамалигида эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг пок номларини тиклаш, руҳларини шод, қадамжоларини обод этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. 1999 йил 12 майда мамлакатимизнинг ижтимоий, маънавий ва маърифий ҳаётида гоят муҳим воқеа рўй берди. Шу кун Президентимиз "Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги фармонга имзо чекди. Шундан буён юртимизда мустамлакачилик даврида шахид кетган аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, абадийлаштириш ишлари аниқ илмий концепция ва режа асосида изчил олиб борилаётган.**

Тарихимизнинг турли даврлари, ҳусусан, яқин ўтмишимизда кечган қатагон йилларига оид воқеаларни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, тарихий ҳақиқатни тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган давр мобайнида мустақил тузум даврида номлари тарих саҳифаларидан ўчириб ташланган кўплаб атоқли давлат арбоблари ва саркардалар, илм-фан ва маданият намояндаларининг пок номи тикланиб, илмий ва ижодий мерослари халққа қайтарилди. Яқин-яқингача "халқ душмани"нинг фарзандлари сифатида бошларини ҳам қилиб, эзилиб юрган ҳамюртларимиз ҳозир халқ ишига камарбаста бўлган оталарининг фарзанди сифатида гурур ва сурур туймоқда. Инчунин, Юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимизда кечаётган тарихий ҳақиқат ва адолатнинг тикланиш жараёнида турли авлодларга мансуб тарихчи, адабиётшунос, файласуф олим, ёзувчи ва журналистлар фидойийлик намунасини кўрсатиб келмоқда.

Андижон давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Рустамбек Шамсутдинов ана шундай олимлардан. Университетда миллий тарих кафедрасининг ташкил этилишида бевосита бош-қош бўлган Р.Шамсутдинов кафедрага раҳбарлик қила бошлаган дастлабки йиллардаёқ

Соҳибқирон Амир Темур даври ва яқин ўтмиш тарихимизни ўрганиш борасида илмий изланишларни олиб борди. Шу икки йўналишдаги изланишларининг самараси сифатида ҳаммуаллифликда "Истиқлол учун кураш фидойилари", "Жерты репрессий", "Соҳибқирон Амир Темур ва унинг салтанати" сингари рисоалари бағишланган мақола ва рисоалари кетма-кет чоп этила бошлади. Шу кезларда Тошкентда Мустамлакачилик даври Ўзбекистон тарихини ўрганиш маркази ташкил этилиб, Р.Шамсутдинов шу марказ тақлифи билан уч жыллик "Ўзбекистоннинг янги тарихи" тадқиқотининг яратилишида фаол иштирок этди.

Мустикалликнинг дастлабки йилларида олимнинг ҳаммуаллифликда "Туркистон Русия босқини даврида", "Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихидан", "Ватан тарихи", "Сургун" каби дарслик ва рисоалари, шунингдек, "Ёлқин" тарихий романи нашр этилди.

Катта илмий салоҳиятга эга андижонлик тарихчи олимлар устозлари Р.Шамсутдинов раҳбарлиги ва бевосита иштирокида қатагон даври ва унинг даҳшатли чўққиси — 1937-1938 йиллар тарихига бағишланган "Репрессия"

(биринчи китоб, 2005 й.), "Қатагон қурбонлари" (иккинчи китоб, 2007 й.), "Репрессия. Жерты "Большого террора" (учинчи китоб, 2007 й.), "Репрессия. Жерты "Большого террора" (тўртинчи китоб, 2008 й.) китоблари ёзилди. Асосан архив ҳужжатларидан таркиб топган китобларда "катта қирғин"нинг қарийб барча манзаралари акс этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Р.Шамсутдинов ва унинг шогирдлари тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш йўлидаги барча ишларини "Шахидлар хотираси" жамоат фонди ва "Қатагон қурбонлари хотираси" музей илмий жамоаси билан доимий ҳамкорликда олиб бормоқдалар.

Жамоат фонди ва музей жамоаси шу кунларда профессор Р.Шамсутдинов раҳбарлигидаги "Мерос" халқаро жамғарма-экспедиция аъзолари — университет тарихчилари ҳамкорлигида собиқ мустақил тузум даврида қатагон қилинган юртдошларимизнинг Андижон вилояти бўйича "Хотира китоби"ни нашрдан чиқарди. Яқин йиллар ичиде бошқа вилоятлар бўйича ҳам ҳамкорликда шундай "Хотира китоблари" яратилиб, "катта қирғин" йилларида қурбон бўлган юртдошларимизнинг исм-шарифлари ва сони масаласига аниқлик киритиш кўзда тутилган.

Юртимиз тарихини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида амалга ошириляётган бу каби саяё-ҳаракатлар Истиклолнинг қадр-қимматини ёш авлодга самарали ва таъсирчан тарзда тушунтиришда, уларда Ватан тақдири учун даҳлдорлик туйғусини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

**Бахтиёр ҲАСАНОВ, "Шахидлар хотираси" жамоат фонди раиси, "Қатагон қурбонлари хотираси" музей директори, тарих фанлари доктори, Наим КАРИМОВ, музей етачки илмий ходими, филология фанлари доктори**

Қонун ва ижро

## Пойтахтимиз салоҳияти

ҳар соҳада юксалиб бормоқда

**Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигида самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда.**

Жумладан, пойтахт туманлари ҳокимлари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманларида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, куз-қиш мавсумига тайёргарлиги ҳақида кенг маълумот берилган эди. Эндиликда мазкур аъёна пойтахтга қарашли муассаса раҳбарлари иштирокида давом эттирилмоқда. Шу кунга қадар шаҳар Статистика бош бошқармасининг ахбороти кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Навбатдаги тадбир Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси мутасаддилари томонидан пойтахтимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар ижросига бағишланди. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида жами 184 тиббиёт муассасаси фаолият юритаётир. Уларда аҳолини соғломлаштириш ва даволлаш ишлари самарали ташкил қилинган. Бу борада Президентимизнинг "2014-2018 йилларда аҳолининг репродуктив саломаатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриямал бўлмоқда. Шу асосда жорий йилнинг ўтган дав-

ри мобайнида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимида жами 636 мингга яқин фертил ёшидаги аёллардан 633 мингдан зиёди чуқурлаштирилган профилактик тиббий кўриқдан ўтказилди, шундан 242 мингга яқин аёл соғломлаштирилди, замонавий контрацептив воситалар билан таъминланди. Шунингдек, болаларнинг тиббий кўриқдан ўтказилишига ҳам алоҳида аҳамият қаратилиб, 445 мингдан ортиқ бола соғломлаштирилди ва бу чора-тадбирлар яна давом этмоқда.


"Соғлом бола йили" Давлат дастурида ниҳоятдан кўпроқ шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш масаласи алоҳида белгиланган. Жорий йилда турмуш қуриш арафасидаги ёшлар рухий-асаб касалликлари, гиёҳвандлик, тери танабил, сил касалликлари диспансерлари ҳамда ОИТС марказидан тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди. Шунингдек, тадбирда тиббиёт муассасаларининг зарур асбоб-ускуналар билан таъминланганлик даражаси, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар. Бошқарма мутасаддилари айрим тиббиёт ходимлари томонидан йўл қўйилаётган камчиликларга тўхталиб, бу борада (0 371) 233 65 71 ишонч телефони ташкил этилганини таъкидлашди.

**Умида УЗОҚОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**



Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 2-Нукус академик лицейида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда ушбу таълим масканида 629 нафар ўғил-қиз аниқ, табиий, ижтимоий-гуманистар, хорижий тиллар йўналиши бўйича сабоқ олаётир. Замонавий тарзда жиҳозланган ўқув, лаборатория, лингафон хоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали, 200 ўринли ётоқхона ўқувчилар ихтиёрида. Дарслар илгор педагогик андозалар асосида, кўргазмали курол ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда ўтилмоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш мақсадида фан ва спорт тўғрисидаги фаолияти йўлга қўйилган.



ЎА олган суратлар.

Зиё маскани

Таълимда замонавий технологиялар сифат ва самарадорликни оширади

дейди Нукус шаҳридаги 37-сонли ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси, ЎЗМТДП аъзоси Роза Ескалиева

Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши ўзининг юксак самараларини бераётир. “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида фарзандларимизни билимли, юксак салоҳиятли, жисмонан ва маънан етуқ инсонлар қилиб тарбиялашнинг яхши механизми шакллантирилди.

мактабга келиш, ўз миннатдорчилигини изҳор этиш анъана тусига айланган.

— Роза Ескалиева ажойиб устоз, ўз соҳасининг билимдони сифатида мактабимиз ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари орасида катта ҳурматга эга, дейди мактаб директори Миртурди Досназаров. — Розанинг кимё ва биология фанлари бўйича ўтадишган ҳар бир дарси янги педтехнология асосида ташкил этилган, ўқув-лаборатория дарсларини кўргазмали куроллар ҳамда техник асбоблар ёрдамида ноанъанавий усулда ўтиши, ёшларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, табиатга бўлган меҳрини орттириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшларни тарбиялашда ҳар бир ёш ўқитувчига намуна.

Ўқув жараёнини қузатар эканмиз, ўқувчилар Р.Ескалиеванинг ҳар бир дарсини кунт билан тинглаётганига гувоҳ бўлдик. Ёшларнинг фанга бўлган қизиқувчанлигини орттириш, истеъдодини юзага чиқариш, қобилиятини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳурматида сазовор бўлиш ўз касбига меҳр қўйган, билимли, дунёқараши кенг, фидойи инсонларга хос фазилат.

Ўқитувчи фаолияти самараси шогирдларнинг эришган натижаларида янада яққол намойён бўлади. Р.Ескалиеванинг ўқувчилари кимё бўйича фан олимпиадасида фаол қатнашиб, муваффақиятларни кўлга киритаётгани билан мактаб жамоаси чинакамига фахрланади. Чунки, Элеонора Базарбаева, Меҳрибон Турсинбоева, Ақмарал Сержанова ва Сарвиноз Жумабоева каби мактаб ўқувчилари ҳар йили шаҳар ва республика миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишмоқда.

— Ўқувчиларимизнинг ютуқлари, албатта, Президентимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган оталарча ғамхўрлик, хусусан, таълим тизимида олиб борилаётган туб ислохотлар самараси, қолаверса, барча устозларимизнинг тинимсиз меҳнати маҳсули, деб биламан, — дейди Қорақалпоғистон халқ таълими аълочиси Роза Ескалиева.

Мактаб жамоаси келгусида ҳам ёшларга ўқитишнинг инновацион усулларида фойдаланган ҳолда таълим-тарбия беришни асосий мақсад қилиб қўйган. Янги инновацион технологиялар асосида фаолият юритиш, устоз-мураббийлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда таълим-тарбиявий ишларнинг самарадорлиги эришиш — келажакимиз пойдевори бўлган ёшларни мустакил ҳаёт ва касбга тўғри йўналтириш демакдир.

Илья ДИЛЬМАНОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

Тиббий хизмат

Соғлом она-бола — жамият бойлиги

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда оналик ва болаликни асраш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган доимий эътибор хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётир.



“Соғлом бола йили” Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар ижроси доирасида Самарқанд вилоятида ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилди. Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бошқа идоралар ҳамкорлигида тизимли ишлар олиб борилди. Вилоятнинг барча ҳудудларида, хусусан, чекка қишлоқ ва маҳаллаларда республикамизнинг етакчи тиббий марказ ва муассасалари шифокорларидан иборат гуруҳлар томонидан аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Бунда фертил ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, уларнинг тиббий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳомилдор аёллар поливитаминлар билан таъминланди.

Аҳолининг барча қатламлари, хусусан, оналар ва болаларнинг замонавий тиббий ёрдамдан фойдаланиш даражасини ошириш муҳим вазифалардан. Жомбой туман тиббиёт бирлашмасида қурилиш-реконструкция ишлари олиб борилиб, болалар ҳамда юқумли касалликлар бўлими фойдаланишга топширилди. Тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилган бинонинг кенг, ёруғ ва шинам хоналари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ерда 18 ёшга бўлган болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилган.

— Марказий шифохонамизнинг болалар бўлими шу пайтгача мossaлаштирилган эски бинода фаолият кўрсатарди, — дейди болалар бўлими мудири Дилбар Холжигитова. — Бундай шароитда беморларга бугунги кун талаблари даражасида замонавий тиббий хизмат кўрсатиш қийин эди. Бу йил бўлим учун замо-

навий бино қурилиб, “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида сўнгги русумдаги тахшиш ва даволаш ускуналари, мебель жиҳозлари билан таъминланди. Янги бинодаги барча хона бир, икки ва уч беморга мўлжалланган. Ёш болали оналар учун ҳам зарур шароитлар яратилди. Шунингдек, интенсив даволаш хоналари, болалар учун махсус ўйинчоқлар билан жиҳозланган иккита зал мавжуд. Бундай имкониятлар беморларга тўғри ва аниқ тахшиш қўйиш, уларнинг саломатлигини тиклаш, даволаниш муддатини бирмунча қисқартириш имконини бермоқда.

Бугунги кунда туманда болалар сони 51 мингдан зиёдни ташкил қилади. Уларга олий тоифали шифокорлар, шунингдек, юзлаб малакали ўрта тиббиёт ходимлари сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Д.Холжигитованинг таъкидлашича, “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида туманда қарийб уч минг ҳомилдор аёлга мутахассислар иштирокида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасида зарур тавсиялар берилди. Шунингдек, тумна ногиронлиқнинг олдини олиш мақсадида аёллар скрининг текширувидан ўтказилган. Чақалоқлар 2-3 ойлигидек барча тор доирадаги мутахассислар кўригидан ўтказилмоқда. Бу эса оналар ва болалар саломатлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Бундай изчил ишлар “Соғлом она — соғлом бола” концепциясини узвий давом эттириш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни камолга етказиш, миллатимиз генофондини мустаҳкамлаш ва мамлакатимизни янада тараққий эттиришда муҳим пойдевор бўлади.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

Реклама ўрнида

Ўзаро ишонч — муваффақият гарови



Президентимиз раҳнамолигида “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон манфаатлари учун” деган эзгу тамойил ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манба бўлиб келаётир.

Барқарор иқтисодий ўсиш, инвестиция, маҳаллийлаштиришга оид мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши, молия ва банк тизимининг мустаҳкамлиги ва бошқа муҳим омиллар иш ўринларининг кўпайиши учун қулай имкониятлар яратмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ тадбиркорлик соҳасига алоҳида эътибор қаратилгани, яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар ишбилармонларнинг қучига қуч, ғайратига ғайрат қўшапти. Кичик бизнесни қўллаб-қувват-

лаш ҳамда хорижий кредит линиялари ўзлаштирилиши мувофиқлаштириш ишлари тобора ривожлантирилмоқда. Мамлакатимизда янги мулкдорлар синфи жадал шаклланиб, кичик ва хусусий корхоналар, тадбиркорлик билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслар тобора кўпайиб бораётир. Уларнинг оёққа туриб олиши, янада ривожланиши учун бошланғич капитал муҳим ўрин тутди. Президентимиз томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Эндиликда мазкур ҳужжатларга биноан тадбиркорларнинг ишига ҳудуд бехуда аралашиб тақиқланди. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорнинг эркин фаолият юритиши учун барча зарур шароитлар яратилди.

Албатта, ҳар қандай тадбиркорлик, аввало, пухта бизнес режа, ундан сўнг молиявий маблағ воситасида шакллантирилади. Шу маънода, тадбиркорнинг иши молия муассасаси билан ҳам ҳамбарчас боғлиқ. Ҳар икки томон ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик эса муваффақият гаровидир. Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда банк ва миқоз ўртасидаги масофа тобора “кискариб” бормоқда. Яъни молия муассасаларининг миқоз учун қулай шартларда тақлиф этаётган хизматлар тури кенгаётир. Буни аҳоли ўртасида банкларга бўлган ишончининг ортиб бораётганидан ҳам яққол сезиш мумкин. “Микрокредитбанк” ана шундай молия му-

ассасаларидан бири саналади. Тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган банк соҳа вакиллари билан ишлашда муайян тажрибага эга. Банк томонидан тақлиф этилаётган хизматлар, энг аввало, миқоз манфаати хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ҳамда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги қонунда тадбиркорлик субъектларининг янги тақийли ҳуқуқий шакли бўлган оилавий тадбиркорлик ва оилавий корхонанинг ҳуқуқ, манфаат ва ўзига хос хусусиятлари белгиланган. Уларга мувофиқ оилавий корхона оила яшаб турган турар-жойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шу жойини ўзида сотиши мумкин. Бу эса қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятини юритишда кенг имконият ва шароитларни яратиб бермоқда.

Бундан етти йил олдин “Дастон акфа плюс” хусусий корхонасини ташкил этган эдим. Ўтган йиллар мобайлида “Микрокредитбанк” билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланди. Шу кунгача банкнинг ишбилармонликни ривожлантиришга қаратилган турли хил кредитларидан мақсадли фойдаланиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришга эришдик.

Бугунги кунгача банк кредит хизматларидан тўрт марта фойдаландик. Жумладан, ўтган йили банкнинг 60 миллион сўмлик микролизинги

ҳисобига хориждан тузни қайта ишлаш ускунасини харид қилдик. Яна 98 миллион сўмлик микролизинг эвазига тузни қадоқлаш технологиясини олиб келдик. Айни пайтда ушбу замонавий ускуналар ёрдамида бир кунда 3 тоннагача ош тузини қайта ишлаб, йодлаб, қадоқлаб халқимиз дастурхонига тортиқ этаяпмиз. Бу ишларни корхонамизда меҳнат қилаётган 20 нафардан зиёд ёш ишчи-ҳодимларимиз амалга оширмоқда.

Мамлакатимизнинг банк тизимида тадбиркор хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишлари туфайли мен ҳам ўз бизнесимни йўлга қўйдим. “Микрокредитбанк”нинг тадбиркор аёллар ва ёшлар билан ҳамкорлиги тадбиркор аёлларга кенг имкониятлар эшигини очиб бераётганидан беҳад мамнунмиз.

Бугун хунарли ёки ўқувли инсон борки, “Микрокредитбанк” эътиборидан четда эмас. Уларнинг қобилияти, иштиёқи ва маҳорати банк маблағлари кўмагида рўёбга чиқмоқда. Бу орқали улар юртга наф келтирмоқда. Банк билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам давом эттириб, фаолиятимизни кенгайтириш, маҳсулотлар тури ва янги иш ўринларини кўпайтиришни режалаштирганман.

Интизорбону АБДАЛНИЁЗОВА, Ташкент вилоятидаги “Дастон акфа плюс” хусусий корхонаси раҳбари

Қарор ва ижро

Ҳар бир инсон меҳр-эътиборда

Республикаимизда 2014 йилда Президент қарори билан тасдиқланган “Соғлом бола йили” Давлат дастури ҳамда 2011 йил 30 майдаги “2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ҳимоя қилиши янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан “Соғлом авлод учун” фонди қатор вазирлик ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида “Ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлиги масаллари” мавзусида анжуман ўтказди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислохотлар жараёнида ногиронларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, имконияти чеklangан инсонларни жамиятга фаол интеграциялашга қаратилган доимий эътибор инсон манфаатларини муҳофазалашнинг муҳим омили бўлаётир. Амалдаги қонун ва қарорлар бу соҳадаги ишларни оқори босқичга кўтаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда давлат томонидан ногиронларнинг илм олиши ва касб тайёргарлиги учун зарур шарт-шароит яратилган. Корхона ва ташкилотларда ногиронлар учун ишловчилар сонининг камида 3 фоизи миқдоридан иш жойи банд қилиб қўйиш белгиланган бўлган. 2014 йилнинг 11 ойи давомида “Соғлом авлод учун” фонди томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Ташкент шаҳридаги 23 мингдан зиёд оиланинг ижтимоий шароити, психологик муҳит ва болалар соғлиги ўрганилди. Имконияти чекланган инсонларга манзилли инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Ташкент шаҳрида 2014 йил 1 октябр ҳолатига кўра, рўйхатга олинган 971 нафар ёлғиз пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда. 2014 йилнинг 9 ойи давомида ўзгалар парварлишига муҳтож 468 нафар ёлғиз пенсионер ва ногиронларга энг зарур 9 хил озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган муддатларда бепул етказиб берилган. 532 нафар хомийлар ҳисобидан маҳаллий газета ва журналларга бепул обуна қилинган.


Инсон манфаатларига йўналтирилган бундай кенг қамровли чора-тадбирлар мамлакатимизда ҳеч ким давлат ва жамият эътиборидан четда эмаслигини яна бир қарра намойён этмоқда. Анжуманда ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишда нафақат давлат идоралари, шунингдек, нодавлат ташкилотлар, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, “Маҳаллар” жамоат фонди, Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон “Кизил ярим ой” жамияти ва бошқаларнинг ўрни эътироф этилди.

Ҳ.АБДУНАЗАРОВ

### Бизнинг шарҳ

# Глобал иқлим ўзгариши ва халқаро ҳамкорлик

Жаҳон ҳамжамияти томонидан иқлим ўзгаришларининг олдини олиш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда



Буюк Британия, Нидерландия мамлакатлари ҳам халқаро савдоларда қатнашиш истагини билдирган. Углерод чиқиндилари квотасини сотиб олганларга қатор имтиёзлар белгиланган. Қонунда йирик компаниялар, ҳукуматлар ва ҳуқуқий шахслар ҳавога ис газини чиқариш бўйича квотага эга бўлиши мумкинлиги белгиланган. Сотувдан тушган маблағ углекислота гази ҳажмини камайтириш лойиҳасини молиялаштиришга, қайта тикланувчи энергия манбалари, қуёш ва шамол билан ишловчи энергетика қурилмалари ишлаб чиқаришга сарфланади.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, 2050 йилга бориб айнан иқлим иссиши таъсирида дунё океанидаги кислота миқдори 150 фоизгача ўсиб, денгиз экотизимига жиддий зиён етказиши мумкин. Бундан ташқари, тоғлардаги абадий музликлар ҳам қисқаради. Биргина Хитой ғарбдаги музликлар майдони 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида 18 фоизгача камайгани кузатилди. Айни вақтда Хитойда 51,8 минг квадрат-километр майдонга эга музлик мавжуд.

Ҳималай тоғининг жанубий ва ғарбий худудларида, Цинхай-Тибет тоғ тизмаларида музликлар эришда давом этмоқда. Ҳиндистон ўрмон ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, 2035 йилга бориб Ҳималайдаги мавжуд 15 мингта музликдан асар ҳам қолмаслиги мумкин. Агар ис газини ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайтирилмас экан, денгиз сатҳи 6 метргача кўтарилиши ҳеч гап эмас. Ер юзи аҳолисининг 3,2 қисми денгиздан тахминан 100 километр узоқликда жойлашгани инобатга олинса, иқлим иссиши нечоғлик ноҳус оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш мумкин.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам атмосферага катта миқдорда заҳарли карбонат ангидрид моддаси чиқарилаётгани сир эмас. Айтишларича, бу умумий миқдорнинг учдан икки қисмига тенг экан. Соҳа мутахассислари қишлоқ ҳўжалигида кўпроқ азот ўғитларидан самарали фойдаланиш кераклигига эътибор қаратмоқда. Уз навбатида, озик-овқат санаятида истеъмол ҳажми ва чиқиндилар сонини камайтириш масаласи ҳам ўртага қўйилаётган. Халқаро ташкилотлар оқова сувларни тозаланиш ривожлантириш, уларнинг энергетика самарадорлигини оширишни тақлиф этмоқда.

2014 йилда ҳавога углекистосла-гази чиқариш ҳажми 2013 йилга нисбатан икки ярим фоизга ошиши тахмин қилинмоқда. Фақат Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўтган йили чиқинди ҳажмини 1,8 фоизга камайтирган, ҳолос. Мазкур Иттифоқ томонидан ўз ҳисобидаги учдан бир қисм квота Хитой ва бошқа мамлакатларга сотилган. Карбонат ангидрид асосан қазилма бойликларини ёкиш, цемент ишлаб чиқариш ва ўрмонзорлардаги дарахларни кесил ҳисобига ҳосил бўлмоқда. Еврокомиссия Европарламент кун тартибига 2020 йилгача фуқаро авиацияси учун ис газини чиқиндилари квота савдоси тизимини жорий этишни кечиктириш масаласини илгари сурмоқда. 2015 йилнинг 1 январидан фақат Европа ҳудуди бўйлаб фаолият юритаётган авиакомпанияларга квотага эга бўлиши мумкин.

Азимжон ПУЛАТОВ

**Яқинда Перу пойтахти Лимада БМТ шафелигида сайёрамизда кузатилаётган иқлим ўзгаришларига бағишланган саммит ўтказилди. Дунёнинг 195 мамлақати вакиллари иштирок этган мажлисда БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Ер ҳароратининг тобора кўтарилаётгани инсоният олдида турган жиддий муаммолардан эканини таъкидлаган. Қайд этилганидек, Киото баённомасига имзо чеккан мамлакатлар йил давомида заҳарли газлар чиқариш ҳажмини 900 миллиард тоннадан кўпайтирмаслиги лозим.**

Анжуманда иқлим иссишидан жиддий талофат кўрган давлатларга моддий ёрдам кўрсатишга ҳам келишиб олинган. Айрим ривожланган ва ривожланаётган давлатлар томонидан махсус жамғармага аъзолик бадалларини тўлашга розилик билдирилди. Ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда жамғарманинг умумий маблағи 10,2 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда.

Маълумотларга қараганда, сўнгги 100 йил ичида сайёрамизда ҳаво ҳароратининг иссиши оқибатида денгиз сатҳи 20 сантиметргача кўтарилган. 2050 йилга бориб дунё океанидаги кислота миқдори 150 фоизгача кўтарилиши кутилмоқда. Арктика ва Гренландиядаги музликлар тобора эриб бораётган. Ис газлари асосан нефть, кўмир, газдан фойдаланиш ҳисобига 75 фоизни ташкил этмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, ахвол шу тарзда давом этадиган бўлса, ҳаво ҳарорати 4 даражача кўтарилиши ҳам мумкин. Бундан, албатта, инсон фаолияти асосий ўрин тутгани. Хусусан, санаят ривожланиши оқибатида атмосферага чиқаётган углеводород гази миқдори йил сайин кўпайиб бораётган. Бу сайёрамизда ҳаво ҳароратининг кўтарилиб, кескин иқлим ўзгаришларини юзга келтирляпти. Оқибатда кўпгина минтақаларда табиий мувозанат бузилмоқда: айрим жойларда

ёғингарчилик одатдагидан анча кўп бўлса, бошқа худудларда қурғоқчилик авж оляпти. Шунингдек, кўмир, нефть ва табиий газ ёқилганда, катта миқдордаги карбонат ангидрид, ўрмонлар ёнганда эса дарахлар танасидаги углерод атмосферага чиқади. Инсон фаолиятининг бошқа турлари, жумладан, чорвачилик ва шоли ўстириш метан, азот оксиди ва бошқа иссиқхона газларининг ажралишини кучайтиради.

Албатта, дунё давлатлари томонидан иқлим ўзгаришининг олдини олиш борасида кўплаб лойиҳа, ҳавога ис чиқариш ҳажмини кескин камайтириш борасида режалар ишлаб чиқилмоқда. Мисол учун, шу йилнинг декабрь ойида Пекинда таъриба тариқасида чиқиндилар квотасини сотиш йўлга қўйилди. Ҳисоб-китобларга кўра, қисқа муддатда пойтахтдаги экология биржасида қарийб 17 миллион АҚШ долларлик савдо-сотик қилинган. Ўтган йилнинг ноябрь ойида ҳам Хитой пойтахтида углерод чиқиндилари квота савдоси ташкил этилган. Жорий йилнинг 12 декабрига келиб, 300 дан ортиқ корхоналар мазкур лойиҳа доирасида 700 дан зиёд шартнома имзолаган.

АҚШ, Япония, Канада, Австралия, Швейцария жаҳон бозорида квота савдосининг асосий харидорлари ҳисобланади. Яқиндан бошлаб Финляндия, Швеция,


### Рангин дунё

**Бой китоб фондига эва, қолаверса, мекморий ечим билан инсониятни лол қолдираётган кутубхоналар жуда кўп. Кокурицу Коккай Тосёкан — Япониядаги ягона миллий парламент кутубхонаси ҳисобланади. У сайёрамиздаги энг йирик кутубхоналардан биридир. Кутубхонага 1948 йили асос солинган бўлиб, Япония парламенти вакиллари фойдаланиши учун мўъжалланган. Миллий парламент кутубхонаси асосан кунчиқар мамлакатнинг икки шаҳри - Токио ва Киотода жойлашган. Шунингдек, Япониянинг бошқа шаҳарларида ҳам ушбу кутубхонанинг катта-ю кичик филиаллари мавжуд.**

## Япония миллий парламент кутубхонаси

шириш устида жиддий бош қотирилди. Уша йили тузилган доимий кўмита кутубхона фондида сақланаётган китоблар рўйхатини тузиб, унинг очилиш маросимига тайёргарлик кўра бошлади. Ва ниҳоят, 1948 йилнинг ёзида бирламчи фонди 100 минг нусхадан иборат Япония миллий парламент кутубхонаси расман очилди. Кутубхона фонди йиллар давомида янги китоблар билан бойиди. 1986 йилга келиб, 12 миллион нусхани ташкил этди. Ҳозир эса кутубхона хазинасидаги намуналар сони 35 миллиондан ортиқ бўлиб, шундан 9 миллионини бевосита китоблар ташкил қилади.

Бугунги кунда кутубхона эшиклари нафақат парламент аъзолари, балки кенг омма учун ҳам очик. Миллий кутубхона япон жамоатчилиги ўртасида нақадар оммалашиб бораётганини 2004 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларидан ҳам билиш мумкин. Унга кўра, ўша йили миллий кутубхона хизматидан 250 минг киши фойдаланган бўлса, унинг бор-йўғи 32 минги парламент аъзолари ҳиссасига тўғри келиши маълум бўлган. Кутубхона қироат-хонасида 1000 дан зиёд ўрин-фақат 1946 йилга келибгина, миллий кутубхонани ишга ту-



бериш, пуллик хизматлар кўрсатиш, хатто, сўров асосида бошқа кутубхоналар билан китоб алмашиш амалиёти ҳам йўлга қўйилган.

Япония қонунчилигига кўра, маҳаллий ноширлар томонидан чоп этилган ҳар қандай китоб нусхаси миллий парламент кутубхонасига ҳада этилиши шарт. Мазкур қонун тўғрисида кутубхона фонди йил сайин кенгайтириб, дунёдаги энг йирик кутубхоналар сирасидан жой олди. Ҳар йили кутубхона фонди ҳақидаги маълумотлар "Япониянинг умумдавлат библио-

графияси" номли каталогда келтирилади. Шунингдек, маълумотлар базаси магнит тасвирларда сақланади. 1971 йилдан бошлаб кутубхона тўлиқ компьютерлаштирилди. Ҳозирда унинг фондидаги китобларни излашда JAPAN/MARC тезкор тизимидан фойдаланилмоқда. Сўнгги йилларда кутубхонанинг инглиз ва япон тилидаги сайти янада бойитилди. Мазкур сайт саҳифаларида миллий кутубхонанинг умумий каталоги, 100 мингдан ортиқ замонавий китоб ва қадимий кўлбозлар таснифи, шунинг-

дек, Япония парламенти мажлисларидаги маъруза матнлари жойлаштирилган.

Кутубхона ижтимоий-сиёсий, маданий, маърифий ва бошқа маззавларга оид китоблардангина иборат эмас. Ҳозирда кутубхона тасарруфидаги биноларнинг бирида халқаро болалар адабиёти бўлими ҳам фаолият юритмоқда. Бу ерда нафақат япон, балки бошқа тилларда чоп этилган жаҳон адабиёти намуналари сақланади. Айни пайтда бўлим фондидаги китоблар сони 400 мингдан ошган.

### Йирик лойиҳа

**Никарагуада Тинч ва Атлантика океанини боғлаб турувчи канал қурилиши бошланди.**

Канал қурилиши гоёси Никарагуа президентининг мамлакатдаги қашшоқликка қарши кураш стратегиясининг бир қисми ҳисобланади. Лойиҳа 50 миллиард АҚШ долларига баҳоланган. Қурилиш ишлари мобайнида мамлакатда 200 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Шундан 50 мингтаси иншоот фойдаланишга топширилгандан сўнг ҳам сақланиб қолиши айтилмоқда. Аммо экологик нуқтаи назардан лойиҳа атроф-муҳитга тузатиб бўлмас талофат етказиши мумкинлиги ҳам таъкидлаб ўтилган. Бундан ташқари мамлакатнинг ўзида қурилишга очик танловсиз рўхсат берилганидан норозилар кўпчилиги ташкил этади. "EuroNews" хабарича, янги канал мавжуд Панама каналидан бор-йўғи 600 километр узоқликда қурилади. Ундан ўтиш учун 30 соатдан кам вақт талаб этилади. Канал 2019 йилда қуриб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Лойиҳа амалга ошгач, Америка, Европа ва Осиё ўртасида денгиз йўли орқали юк ташиш қиймати тахминан уч баробар арзонлашиши кутилмоқда.



### Пластик картасиз пул ечиш


**Люксембургда фойдаланувчиларга қулай ва хавфсиз бўлиши учун банкотдан нақд пул ечишнинг карточкасиз усули жорий қилинмоқда.**

Хабарларга кўра, карта эгаси масофадан туриб банкотни маълум миқдордаги пулни бериш учун дастурлайди ва маблағ қайси ҳисоб-рақамидан ечиб олинишини кўрсатади. Сўнг энг яқин банкотдан смартфон ёрдамида QR-кодни (карточкадаги шахсий рақам) сканерлаш орқали пуллари олиш мумкин бўлади. Ҳозирги кунда бундай қулайлик шаҳардаги «Banque Internationale Luxembourg» банкига тегишли 100 та банкотга ўрнатилган. Бу каби «ақлли» банкотларни жорий этиш мижозларни товламачилик билан боғлиқ ҳолатлардан ҳимоя қилишнинг энг афзал йўлидан бири сифатида қаралмоқда.



### Хакерлар ҳужуми

**Жанубий Кореяда бир неча атом электростанцияларига операторлик қилувчи «Korea Hydro and Nuclear Power» компанияси хакерлар ҳужумига учраган.**



Гап шундаки, номаълум шахслар компания маълумотлар базасига кириб, «Кори» ва «Вольсон» АЭС ҳақидаги техник ахборотларни интернет тармоғига жойлаштирган. Воқеа юзасидан Жанубий Корея президенти ўз муносабатини билдириб, мазкур харақатни «фавқултда ҳолат» дея атаган. «EuroNews» хабарига қараганда, хакерлар гуруҳи вакили «Твиттер» ижтимоий тармоғи орқали АЭСнинг ишини уч ойга тўхтатишни талаб қилган. Ақс ҳолда қўлга киритилган бошқа маълумотлар ҳам эълон қилиниши, станцияларнинг ўзига нисбатан эса янги киберҳужумлар уюштирилиши маълум қилган. Жиноятчилар АЭС чизмалари, иш дастурлари каби маълумотларни ўз ичига олган 100 саҳифадан ортиқ материалга эга эканликларини айтишган. Аммо оператор-компания ўта муҳим маълумотлар йўқотилмагани ҳамда АЭС учун хавф мавжуд эмаслигини таъкидламоқда.

### Бензин нархи тушди

**Хабарларга қараганда, АҚШда бензиннинг чакана бозордаги нархи тушган.**



Бу охириги беш йил ичидаги энг паст кўрсаткич, дея айтилмоқда. Бензиннинг нархи охириги икки ҳафтада ўртача 25 центга тушиб, бир галлони 2,47 долларга баҳоланмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатда автомобиль ёқилғисининг нархи бу даражада тушиб кетиши тўғридан-тўғри жаҳон биржаларида нефть нархининг пасайиши билан боғлиқ. Айтиш лозимки, сўнгги икки ҳафта мобайнида Нью-Йорк товар биржасида нефть нархи 14,2 фоизга арзонлашган. Маълумотларга кўра, чакана бозордаги бензин нархининг тушиши биржалардаги ҳолатдан келиб чиқиб келгуси ҳафталарда ҳам кузатилиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида  
Дилноза ЖУРАЕВА тайёрлади.

Бир сўз билан айтганда, Япония миллий парламент кутубхонасида бугун ҳар томонлама интеграциялашув давом этмоқда. Бундан кўзланган ягона мақсад жамиятнинг маънавий бойлигини ошириш, миллат вакиллари она юртига садоқатли, муносиб фарзанд сифатида тарбиялаш, аҳолини жаҳон фан-техникаси ютуқлари билан та-

ништириш, ўзаро дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, мавжуд муносабатларни мустаҳкамлаш, энг муҳими, кутубхонадаги тарихий қўлёзмаларни кўз қорачиқдек асраб-авайлашдан иборат. Зеро, аждодлар фойдаланган илмузиё урфонидан авлодлар ҳам баҳра олиши шарт.

Зафар МУҲАММАД

Кадамжо

Сурхондарёдаги "Қирқ қиз" қалъаси ҳақида турли афсона ва ривоятлар юради. Аммо ҳозирга қадар мазкур тарихий маконнинг қачон, нима мақсадда бунёд этилгани тадқиқотчи олимлар ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Тадқиқот ва изланишлар натижасида бундан 1200 йил аввал мазкур мажмуада илму маърифат ва касб-ҳунар дорилфунуни бўлгани аниқланган.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида миллий ўзлигимизни англаш, аجدларимизнинг бой маънавий меросини тиклаш ва ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилди ва бу хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда. "Қирқ қиз" мажмуасини тиклаш, ёшлар учун янада мукаммал ўқув курсларини ташкил қилиш, ўтмиш тарихимиздан ҳикоя қилувчи асарларни яратиш, ўша вақтдаги нодир қўлэмаларни ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр эттириш мақсадида 2004 йилда Термиз шаҳрида "Қирқ қиз" хайрия маънавият

Мангу барҳаёт мерос



ва маърифат маркази ташкил қилинди. Айни пайтда марказ фаоллари бой тарихимизни ўрганиш ва тиклашда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

— Ёзма манбалардан маълумки, Буюк ипак йўлида жойлашган Термиз VIII-IX асрларда савдо-сотик ва илм-фан ривожига етакчилик қилган азим шаҳарлардан бири бўлган, дейди марказ раҳбари Гулсум Хўжамшукурова. — Шаҳарда илм ва маданият юксак даражада тараққий этган. Бу даврда яшаб ўтган аллома, ҳадис-шунос олим ал-Ҳажим ат-Термизий бобомиз илм-маърифатни юксак қадрлайдиган зиёли инсон бўлган. Халқнинг, айниқса, хотин-қизларнинг дунёвий ҳамда диний билим олишлари

учун имконият яратиб берган. Хусусан, аёллари Рухайдаи Даврона ҳамда қизлари Гулсумаи Даврона илмий фаолият олиб боришлари ва яқин гўшалардан илм истаб келган хотин-қизларга устозлик қилишлари учун дорилфунун ташкил қилган. Шу тариқа "Қирқ қиз" қалъасида дорилфунун очилган. Қизлар илм олиш, касб-ҳунар ўрганиш билан бир қаторда, камон отиш, отда юриш, сувда сузиш, қиличбозлик каби жисмоний машқларни ҳам ўрганганлар. Узоқ-яқиндан келган қизлар етти йил илм олгандан сўнг ўрганган соҳаси бўйича фаолият юриштирилган рўхсат берилган. Улар муҳр босилган ҳужжат билан қайтишлари. Изланишлар

натижасида бу ерда IX асрда "Қирқ қиз" қалъаси дорилфунуни бўлганини тасдиқловчи муҳр топилиб, Термиз давлат университети олимлари томонидан ўрганилди, - дейди суҳбатдошимиз. Ҳозирда "Қирқ қиз" хайрия маънавият ва маърифат маркази тадқиқотчилари, Термиз давлат университети олимлари, Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Ўзбек кино" миллий агентлиги вакиллари билан ҳамкорликда "Қирқ қиз сирлари" номли ҳужжатли фильм суратга олинмоқда. Юртимиз аёллари азалдан фарзанд тарбияси, рўзгор юмушларидан ташқари илм олиш ва касб-ҳунар ўрганишга

ҳам алоҳида аҳамият беришган. Буни ўша пайтларда "Қирқ қиз" дорилфунунида ташкил этилган касб-ҳунар машгулотлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугун "Қирқ қиз" хайрия маънавият ва маърифат маркази томонидан ана шу аънъани давом эттирган ҳолда хотин-қизлар учун тикувчилик ўқув курслари фаолиятини йўлга қўйиш ишлари олиб борилмоқда.

"Қирқ қиз" хайрия маънавият ва маърифат маркази томонидан ўтган йили "Қирқ қиз" дорилфунуни", рисоласи тайёрланди. Айни пайтда яна иккита янги китоб устида иш олиб борилмоқда. Биринчиси, ал-Ҳажим ат-Термизийнинг "Қирқ қиз ва ўттиз олти мунажжид" китоби. Бу асар таржимасига 10 йилдан ошиқ вақт кетган. Иккинчиси, Рухайдаи Давронанинг "Аёллар таъбаоти" китобидир. Шунингдек, келгусида Термиз туманида "Қирқ қиз" боғи билан бир қаторда кичик музей ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Бу борада маҳаллий аҳоли марказга яқиндан қўмақ бермоқда. Мухтасар айтганда, ушбу марказ аҳолини бой маданий меросимиз билан таништириш, ёшларни ватанпарварлик, миллий қадрият ва аънъаларимизга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Дилфуза РЎЗИЕВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

Маданият хабарлари

Қадимий тангалар

Ўзбекистон Бадий академияси Иқо Хираяма халқаро маданий карвонсаройида "Антик ва ўрта асрлардаги тангалар" кўргазмаси ўтказилмоқда.

Унинг очилишида ўқув юртлари ўқувчи, талаба ва ўқитувчилари, санъатшунослар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Кўргазмага карвонсарой коллекциясида сақланаётган ордан ортик антик ва ўрта асрларга оид мис, бронза, қумуш тангалар қўйилган. Экспозицияда айрим тангаларнинг фотосуратлари ҳамда археологик қазилмалар жараёни акс эттирилган. Мазкур экспонатлар археологик экспедиция томонидан Тошкент вилоятининг Қонқа ва Қаршовултепа ёдгорлик мажмуаси, Сурхондарёдаги қатор ёдгорликлардан топилган.

Ноёб китоблар кўргазмаси

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг китоб музейида Марказий Осиё халқлари тарихига оид ноёб китоблар кўргазмаси давом этмоқда.

Тарих, этнография, география, бадий адабиёт намуналаридан иборат кўргазмадан олтимишга яқин китоб жой олган. Китобларни танлашда асосан уларнинг илмий-тарихий ва амалий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, венгриялик танили шарқшунос олим Г.Вамбернинг кўргазмага қўйилган китобида Шарқ халқларининг кундалик ҳаёти, аънава ва маънавий турмуши тасвирланган. Муаллиф Марказий Осиё мамлакатларига сафари давомида кўрган-кечирганларини қаламга олиб, маҳаллий халқлар тарихи, этнографияси ҳақида қимматли маълумотларни беради. Бундан ташқари, кўргазмадан икки жилдлик "Ўзбекистон халқлари тарихи" китоби ҳам жой олган.

Болалар биеннаlesi

Ёшлар ижод саройида "Тошкент қувончлари" V халқаро болалар расмлари биеннаlesiининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бадий академияси, Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазириликлари, шунингдек, "Қамолот" ЁИХ ҳамкорлигида ташкил этилган биеннале экспозициясида бу йил 30 га яқин мамлакатнинг 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган ижодкор болаларига тегишли уч мингдан ортик ижод намунаси қўйилган. Мазкур расмларда болалар табиат манзаралари, тарихий ёдгорликлар, замонавий турар-жойлар, ҳайвонот дунёси, турли мамлакат болаларининг ўзига хос кизиқишлари, орзу-умидлари, беғубор ва бахтли болалик давларини акс эттирган.

Бир сўз билан айтганда, кўргазмага таширф буюрганлар юртимиз ва бошқа мамлакатлардаги болалар ижоди, уларнинг орзулари ва Ўзбекистон ҳақидаги тасавурлари билан танишишлари мумкин. Биенналедаги асосий номинациялар — "Болалик дунёси", "Менинг Ватаним", "Мен яшаётган дунё", "Менинг орзум", "Мен билган Ўзбекистон" каби мавзуларга бўлинган бўлиб, ижодкор болалар ёшига кўра уч гуруҳга ажратилган ҳолда баҳолаб борилади.

Халқаро болалар биеннаlesiининг бош соврини - Гран-При ғолибга 26 декабрь кuni топширилади. Бундан ташқари, турли номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар олтин, қумуш ва бронза медаллари, қимматбаҳо совғалар, шунингдек, "Тошкент қувончлари" V халқаро болалар биеннаlesiининг сертификати билан тақдирланади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

**"АСАКА" банк жамоаси**

Сизларни Янги йил байрами билан табриклайди ва миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

**"Янги йил 2015"**

Ушбу омонатни сақлаш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда 90 дан ортик омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-91-45
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-24-09
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-75
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-70-05
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	298-02-10	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-15-68	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарход филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-56
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	226-96-03
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-06	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

**"Асака" банк - сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди**

Хизматлар лицензияланган



Коннинг томирлар бўйлаб эркин ҳаракатланиши ҳамда ивишига ёрдам берувчи К витамини организмдаги фойдали оксилларнинг меъёрида ишлаши, шунингдек, суяк тўқималарининг ўсиши ва ривожланишини таъминлайди.

Организмда К витаминининг етишмаётганини, энг аввало, қон ивишидаги бузилишлардан билиш мумкин. Масалан, милк ёки бурнингиз қонаси-ю уни тўхта-тиш бироз мушкул кечса, у ер бу ерингизни уриб олсангиз ўша жойда қонлаш ҳосил бўлса, демак сизда К витамини етишмаяпти, дейиш мумкин. Организмда К витаминининг мунтазам етишмаслиги натижасида инсон остеопороз, ҳатто, юрак ишемик касаллигига ҳам дучор бўлиши ҳеч гап эмас. К витамини битта эмас, балки бир неча моддаларнинг бириктириш натижасида пайдо бўлади. Витамин икки турга бўлинади. Биринчиси ўсимликларнинг организм билан бириктириш натижасида, иккинчиси эса йўғон ичакда вужудга келади. Ўт пуфаги, жигар циррози, ичак касалликларида чалинган беморларда бу витаминнинг етишмаслиги кўпроқ сезилади. К витамини организмда яхши сўрилиши учун кундалик таомномангизда ўсимлик ҳамда ҳайвон ёғлари меъёрида бўлиши керак. Исмамоқ, салат барги ҳамда бошқа кўкатларда К витамини сероб бўлади. Бундан ташқари, анор ҳам К витаминига бой. Ушбу витаминни гўшт, тухум ҳамда суг маҳсулотларида учратиш мумкин. Шуни унутмангки, К витамини организмнинг ўзида ишлаб чиқарилади. Шу боис, соғлом инсонда мазкур витамин билан боғлиқ муаммолар бўлмайди.

**БИЛАСИЗМИ?**  
Узунлиги 100 километрни ташкил этувчи Каньо Кристалес дарёси (Колумбия) ранг-баранг сувўлгари туфайли вақти-вақти билан беш хил — сариқ, яшил, қизил, мовий ва қора тусда товланади.

Германиянинг Вольфсбург шаҳрида ҳар бири 48 метрлик иккита автоминора қурилган. У 20 қаватдан иборат бўлиб, 400 та автомобиль туриши учун мўлжалланган. Автоматлаштирилган махсус тизим минорадаги машиналарнинг ранги ва оғирлигини ҳисобга олган ҳолда ўзи жойлаштириб чиқади.

**ТУРФА ОЛАМ**

**Сузувчи боғ**

2015 йилда Австралиянинг Мельбурн шаҳридаги сунъий оролларда сузувчи боғ қурилиши бошланади.

Лойиҳа концепцияси Британиянинг "Арун" лойиҳа-муҳандислик компанияси ҳамда Дэмиан Рожерс раҳбарлигидаги Австралия архитектура бюроси томонидан ишлаб чиқилган. Иншоот кумли пляж ва сунъий бассейнларни ўзида жамлаган биринчи сузувчи боғ бўлиши кутилмоқда. 16 минг квадрат метр майдонни эгаллайдиган боғ учун Доклендс туманидаги Виктория бандаргоҳидан жой ажратилган. Муаллифларнинг айтишича, иншоот табиий боғлардан асло қилишмайди. У ердаги махсус қурилмалар ҳар етти ярим дақиқа ичида максимал баянликдан то ярим метрга-ча, кенглиги 160 метрни камраб олувчи сув тўқинларини мавж-лангириб туради. Қолаверса, боғда байдарка ва каноэда сузиш, серфинг билан шуғулланиш, орол қирғоқларида пляж футболу ва волейбол ўйнаш мумкин бўлади.

**Рухшуноси бор такси**

Стокгольм (Швеция) таксилари йўловчиларга янги хизмат турини таклиф қилмоқда.

Манбада келтирилишича, бундай хизмат руҳий зўриқишдан азият чекаётган йўловчилар учун жорий этилган. Бундай вазиятда уларга тажрибали рухшунос бепул маслаҳат беради. Ушбу акция ўтган ойнинг охирида "Такси Стокгольм" компанияси томонидан амалга оширила бошланди. Қизиги шундаки, ушбу акция муаллифи йўловчиларнинг ўзи. Акция олдидан ўтказилган тадқиқот чоғида уларнинг 70 фоизи таксида юриш — фикрни бир жойга жамлашга ёрдам беришини, қолганлари эса такси ҳайдовчиси яхшигина тингловчи бўлгани боис, бундай вазиятда шифокор вазифасини ўташни айтишган. Шундан сўнг, шаҳар бўйлаб рухшуноси бор таксилар йўлга қўйилди. Таксида йўловчи ва рухшунос ўртасидаги ошқорасуҳбат 10 дақиқадан ошмайди. Мутахассисларнинг фикрича, бу рухшунос қабулида соатлаб ўтиришдан кўра анча афзал.

**3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши партия Хазорасп туман Кенгаши раиси Абдулла Матчановга укаси

**Ойбек МАТЧАНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши партия Богот туман Кенгаши раиси Илҳом Рўзметовга отаси

**ЭГАМБЕРДИ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.